



КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИДАН

Тарбияда ишончли бўгин, мустаҳкам таянч



Наманган шаҳридаги 62-умумтаълим мактабида ўқув йили якунланган бўлса-да, муассаса ёшлар ва ота-оналар билан гавжум. Бойси, ҳудудда жойлашган «Истиқбол» маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари бу ерда тез-тез турли мавзуа доир маънавий-маърифий тадбирларни уюштириб келади.

■ Фарҳод ҚОДИРОВ
«Mahalla»

Йиғин қошидаги Маърифат ва маънавият масалалари бўйича комиссия аъзолари томонидан яқинда ўтказилган «Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз» шиори остидаги учрашув фикримиз далили бўла олади. Тадбирда ёшларни турли ёт фоярлардан асраш, уларни диний оқимлар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш каби долзарб масалалар бўйича фикрлашилди.

— Бу каби тадбирларга комиссия аъзолари томонидан «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Нуроний» жамғармаси, «Камолот» ЁИХ ҳудудий бўлими ва бўлинмалари мутахассислари, зиёлилар, ҳуқуқни муҳофиза қилувчи идоралар вакиллари ҳам таклиф этилиб, тарафбат ишларининг самардорлигига эришилмоқда, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бошқаруви раиси ўринбосари Шўхратжон Кенжаев. — Хусусан, жорий йил-

нинг апрель-май ойлари давомида мазкур йўналишдаги тадбирлар қамровини янада кенгайтирдик. Натижада вилоятдаги 763 та маҳалла фуқаролар йиғинида 970 дан ортиқ давра суҳбати, учрашув ва мулоқотлар ўтказилиб, уларда жами 65 минг нафар аҳоли, шундан 35 минг нафардан ортиқ ёшлар иштирок этди.

Таъкидлаш жоизки, «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида амалга оширилаётган бу каби тадбирлар долзарб мавзуларга бағишланаётгани билан аҳамиятлидир. Хусусан, Мингбулоқ туманидаги Олтинкўл кишлоғи «Мулқобод» маҳалласида ўтказилган учрашувда қизларни эрта турмушга узатишнинг олдини олиш масаласи муҳокама этилган бўлса, Косонсой тумани Ёшлик кишлоғи ҳудудидаги 49-умумтаълим мактабидаги мулоқот «Ёшларни гоявий таҳдид ва «оммавий маданиятнинг зарарли таъсиридан сақлаш» мавзусига бағишланди.

— Бу каби тизимли тадбирлар Наманган туманида ҳам аниқ режа асоси-

да ташкил этилмоқда, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлини маси бош мутахассиси М.Сотиболдиева. — Жумладан, Ташбулоқ шаҳарча фуқаролар йиғини таркибидаги 6 та маҳалла фаоли ва ёшлари иштирокида Ташбулоқ педагогика касб-хунар коллежиди «Соғлом бола тарбиясида миллий қадриятларнинг ўрни» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Шунингдек, Хонобод кишлоғидаги «Қоратепа», Ирвадон кишлоғидаги «Орзу» маҳаллаларидаги тадбирларимиз ҳам ёшлар таълим-тарбиясига бағишланди. Уларни ташкил этиш ва ўтказишда фуқаролар йиғини қошидаги Маърифат ва маънавият масалалари бўйича комиссиянинг амалий ёрдами катта бўлмоқда.

Ёш авлод тарбиясида маҳалла яхши ҳамкор, ишончли бўгин, мустаҳкам таянч саналади. Зеро, келажагимиз эгаларининг соғлом фикрли, баркамол инсон бўлиб вояга етишлари йўлида фуқаролар йиғинлари қошидаги тегишли комиссияларнинг фаол иш олиб бораётгани эътиборга лойиқ.

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

Элда эъзоз топган муаллим

Жамият тараққиётида ҳар бир касбнинг ўз ўрни бор. Аммо улар орасида шундай шарафли касблар борки, уларнинг аҳамиятини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Бу — ўқитувчилик, мураббийликдир.

■ Севара АБДУЛЛАЕВА,
талаба.

Хоразм вилояти Янгиорик туманидаги 9-умумтаълим мактабининг кимё ва биология фанлари ўқитувчиси Мухтор Абдуллаев 30 йиллик педагогик тажрибага эга. У ўз меҳнати билан элда эъзоз топган муаллимлардан. Олий тоифали устознинг саз-ҳаракатлари билан мактабда ушбу фанларнинг ўқитилиши намунали даражада йўлга қўйилган.

Мамлакатимизда ёшлар қамоли йўлида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида фаол иштирок этётган, бу йўлда ўзини аямасдан меҳнат қилаётган ўқитувчи ва мураббийлар меҳнати юксак қадр топилоқда. М.Абдуллаев фаолияти давомида бир неча бор Халқ таълими вазирилик, вилоят ҳокими, халқ таълими бошқармасининг фахрий ёрликларига сазовор бўлган. Хусусан, 2010 йил муаллим ҳаётида муҳим из қолдирди. Президентимиз фармонида биноан таълим-тарбия тизимини замонавий асосда такомиллаштириш, ёш авлодни Ватанга садоқат руҳида тарбиялашдаги фидо-

корона меҳнатлари учун у «Шўхрат» медали билан тақдирланди.

Мухтор аканинг ёш авлод тарбиясига қўшган ҳиссаси катта. Муаллимнинг илмий ва тарбиявий мавзудаги мақолалари туман, вилоят ва республика матбуотида эълон қилинган. У ўз ўқувчиларини ҳалол меҳнат қилишга, оила аталмиш муқаддас гўшанинг қадрига етишга чақиради. Ёш авлодга ҳаётий сабоқ беришда у 84 ёшли онаси Онабиби момонинг тажриба ва маслахатларига таянмоқда.

Мухтор аканинг оиласи — ҳақиқий педагоглар оиласи. Бу хонадонда беш нафар педагог-тарбиячи яшайди. Кимёхон отаси меҳнат қилаётган мактабда етакчи, Шахло тўғарак раҳбари, Сарварбек эса ҳуқуқ фани ўқитувчиси. Келини Модина кимё фанидан сабоқ беради. Қизлари Ўринпошша ва Ҳусния — ўқувчи. Аммо улар ҳам ота изидан бориш орзусида. М.Абдуллаев — уч нафар набиранинг меҳрибон бобожони.

Ниятимиз, педагоглар оиласи янада кенгаверсин. Чунки намунали оилалар қанчалик кўп бўлса, жамиятда маънавий муҳит барқарорлиги шунчалик мустаҳкам бўлади.

СЛЮМАТЛИК СИРЛАРИ

Рухингизга тетиклик, танангизга қувват бахш этади

Ёзги таътил мавсумида аксарият ўқувчи-ёшлар тоғлар этагидаги хушманзара оромгоҳларга йўл олади. Бу жойларда ҳордиқ чиқаришнинг энг ёқимли жиҳатларидан бири, албатта, сув ҳавзаларида мириқиб чўмилишдир.

■ Моҳичеҳра ЛАТИПОВА
«Mahalla»

Зеро, сувда сузиш роҳатбахш, муҳими, соғлиқ учун фойдали машғулотлардан бири. Бошқа спорт турлари инсон организмнинг муайян бир тизими фаолиятини қучайтирса, сузиш тананинг деярли барча аъзоларига ижобий таъсир кўрсатади, мушакларни мустаҳкамлаб, кишига қувват бахш этади.

— Сувдаги машғулотлар анзав руҳиятига ойсийшалик, таного инсон бағишлаш билан бирга, турли хасталикларни доволлаш ва уларнинг олдини олишда муҳим омиллардан саналади, — дейди услубияти шифокор Д.Рўзमतова. — Сузишни қанда қилмайдиган кишиларда умуртқа ва таянч-ҳаракат аппарати касалликлари, хусусан, диск ҳурраси, остеохондроз деярли қузатишмайди. Бу жараёнда умуртқа атрофидаги майда мушаклар бўшашиб, умуртқа устуни зўрикмайди. Айниқса, сув спортига иштиёқ-

манд ёшларнинг қадди-қомати тўғри шаклланади. Сузиш жараёнида чуқур ва тўғри нафас олиш лозим. Бунда кўкрак қафаси мушаклари ҳам ишга тушади, ўпка фаолияти яхшиланади.

Тана ҳароратининг ўзгариши, қуёшда тобланиш организмни чиниктиради, иммунитетни оширади, шомиллашдан онча муддатга сақлайди. Сузиш кўп қувват талаб этадиган машғулот, шу сабабли ортиқча ёллардан фориғ бўлишда у жуда қўл келади. Бу жараёнда вазн таъсирида бўғим ва умуртқага жараҳат етиш хавфи қузатишмайди. Қуёш нурини тобланганда танамиз 90 фоизгача D витамини билан озикланади.

Баъзан қутилмаган ташвишлар боис киши асабийлашади, стресс ҳолатини бошдан кечиради. Шундай ҳолатга тушган кишиларга шифокорлар, аввало, сув ҳавзалари ва бассейнларда сузишни тавсия этишади. Зотан, сув салбий ҳиссийётларни «ювиб», руҳга енгиллик, тетиклик бағишлайди. Ҳавзанинг у тарафидан шўнғиб, бу тарафидан чиққанда киши-

нинг баҳридили яйрайди. Сузиш асаб тизими фаолиятига ижобий таъсир этиб, инсон руҳиятига хотиржамлик, сокинлик бағишлайди, стресс ҳолатларини қамайтиради. Сувдан ҳам эркин, чўчимасдан ҳаракат қилиш керак.

Болангиз соғлом, жисмонан бақувват бўлишини истасангиз, уни болалигиданоқ сув машғулотларига олиб бориң. Кўпчилик ота-оналар фарзондининг сув ҳавзаларида чўмилишдан чўчиши ҳақида гапирсаларда, муаммонинг ечимини топишга уринишмайди. Бу борада сув иншоотларидаги муҳаббий ва руҳунослар ёрдамига таяниш мумкин. Бола сувга қанча барвақт ўргатилса, натижаси шунча яхши бўлади.

Сув спортининг яна бир муҳим жиҳати шуки, бу машғулоти инсонда ижтимоий фаолликни оширади. Барча юмушларга тетиклик ва қуч-ғайрат билан киришишга ундайди.

Болалар сув ҳавзаларида мириқиб чўмишга, қуёшда тобланишни ёқтирашади. Аммо тобланишнинг ҳам ўз қондалари бор. Аввало, қуёш нури кўп тушадиган жойга чиққанда чамаси 20-25 дақиқа олдин баданга таркибиди «SPF 15» бўлган қуёш нуридан сақловчи крем суриш керак. Йил ҳисобидан биринчи марта қуёшда тобланоётган бўлсангиз, бу жараён 15 да-

МАҲАЛЛАМИЗ ПАҲЛАВОНЛАРИ

Республика босқичига йўлланма

Самарқанд шаҳридаги «Олимпия заҳиралари тайёрлаш маркази»да ҳалоллик, бағрикенглик, инсонпарварлик фазилавларини ўзда мужассам этган ўзбек кураши бўйича «Маҳалламиз паҳлавонлари» республика турнирининг вилоят босқичи ўтказилди.

■ Холбек ЭЛИБОЕВ,
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Самарқанд вилояти бўлими бошқаруви мутахассиси.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бошқаруви, вилоят Маданият ва спорт ишлари, вилоят ички ишлар, соғлиқни сақлаш, халқ таълими бошқармалари ва қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган турнирда мусобақанинг туман ва шаҳар босқи-

чида ғолибикни қўлга киритган 96 нафар ёш курашчи ўзаро беллашилди.

Турнир якунига қўра, 46 кг. вазн бўйича Тайлоқ туманидаги «Ўртақишлоқ» маҳалласидан Иномжон Ташпўлатов, 50 кг. бўйича Пастдарғом туманидаги «Темирхўжа» маҳалласидан Баҳром Алиев, 55 кг. вазн бўйича Қўшробот туманидаги «Зоркент» маҳалласидан Шаҳзод Атоев, шунингдек, қиз болалар ўртасида 44 кг. вазн бўйича Оқдорё туманидаги «Янгиравот» маҳалласидан Шохидо Аҳмедова, 48 кг. вазн бўйича Пастдарғом туманидаги «Пўлатчи» маҳалласидан Гулнисо Келдиёрова, 52 кг. вазн бўйича Каттақўрғон туманидаги «Номозполвон» маҳалласидан Моҳинур Абриева биринчи ўринга муносиб топилди. Ғолиблар турнирнинг республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Мусобақа иштирокчилари «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бошқарувининг қимматбаҳо совғалари ва диплом билан тақдирланишди.

МУСОБАҚА

Оилавий жамоалар баҳси

Олтинкўл туманидаги Саноат хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежиди «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг туман бўлинмаси томонидан «Соғлом оила — соғлом келажак» шиори остида оилавий спорт мусобақаси ўтказилди.

■ Нилуфар ЮНУСОВА
«Mahalla»

Мусобақада Хўжаобод, Асака, Шахрихон, Булоқбоши ва Олтинкўл туманларидан 8 та оилавий жамоа иштирок этди. Унда тортишмочоқ, халқа ўйини, стол тенниси, 100 метрга югуриш, олма ёйиш, қошиқда теннис шарини олиб юриш ва қўл кучи синови (ар-

мрестлинг) каби шартлар бўйича жамоалар ўзаро беллашилди.

Турнирнинг якунига қўра, 1-ўринни Олтинкўл туманидан Незматжон Ҳабибуллаев, 2-ўринни Хўжаобод туманидан Ёлёрбек Мўминов ҳамда 3-ўринни Олтинкўл туманидан Отабек Хайдаровлар оиласи эгаллади.

Тадбир сўнида ғолиб жамоаларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.



қиқадан ошмаслиги лозим. Тобланиш вақтини кейинги кунларда ошириб бориш мумкин. Айниқса, куннинг соат 11 дан 16 гача бўлган палласида ультратинафша нурунинг кучи ўткирлашиб, қуёш уриш эҳтимоли қучаяди. Бундай пайтда чўмилиб, кўзойнақ тақиб соя-салқинда ўтирган маъқул. Чунки сув ва қумда ақсанган қуёш нури қўзга ҳам салбий таъсир қилади. Қуёшда кўп юрган кишининг иммун тизими пайсый, териси нимжон, таъсирчан бўлиб, ҳуснбузарлар қўяда. Қон босими юқори, юраги хаста, қал-

қонсимон без, яъни эндокрин касалликлар аниқланган беморларга қуёшда кўп тобланиш тавсия этилмайди. Қуёшнинг фойдали жиҳатларидан бири суюқлар учун зарур D витаминини ишлаб чиқариб, фосфор ва кальций билан таъминлашда. Шунингдек, қуёш нури яра ва бошқа жараҳатларнинг тез битишига қўмақлашиб, таного қувват бағишлайди.

Сув ҳавзаларида чўмилиб, мазмунли ҳордиқ чиқаришни истоганлар, аввало, юқорида келтирилган тавсияларга амал қилишлари лозим.

ЭЪЛОН

Ҳамза тумани тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидаги ўтказиш инспекцияси томонидан 2009 йил 6 майдаги 002315-07-сонли реестр рақами билан рўйхатга олинган Ҳамза тумани 3.Шамсутдинова кўчаси 72-А-уй манзилида жойлашган «XAYRINISO BARAKA» хусусий корхонаси (СТИР.301175414) Ўзини-ўзи тугатиш тўғрисидаги 06.06.2014 йилдаги 1-сонли қарорга асосан **туғатилди**. Кредиторлик ва дебиторлик қарзлар бўйича даъволар 2 ой муддатда 608-09-90 телефон рақами орқали қабул қилинади.

Тошкент вилояти ҳокимлиги Молия бошқармаси томонидан Равшан Баҳромов номига берилган 160-рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**.



Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви

Mahalla

ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий газетаси

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2013 йил 12 апрелда 0019 рақами билан қайта рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОВ

Телефонлар:

Қабулхона: 233-39-89, Котибият: 233-44-25, Фуқаролик жамияти институтлари билан ишлаш бўлими: 199-84-32, Иқтисодиёт ва ҳуқуқ бўлими: 199-83-46, Маънавият ва спорт бўлими: 199-84-23, Факс: 233-10-73

Нашр кўрсаткичи: 148



Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди, офсет усулида босилди. Формати — А-2, 4 босма табоқ.

Саҳифаловчи: Л.Мейликов
Мусаҳҳиҳ: Н.Азимова
Навбатчи: Ю.Хожиёева
Нашр навбатчиси: Ф.Ҳамдамов

24732 нусхада чоп этилди. Буюртма S-123

Таҳририят манзили:

Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Индекс: 100083

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили:

Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Топшириш вақти — 21.⁰⁰

Топширилди — 21.⁰⁰



СЕМИНАР

Келажак авлод олдидаги масъулият

Бугунги кунда мамлакатимизда оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, айниқса, ёш оилаларнинг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш орқали соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш маҳалла фаолларидан юксак касбий маҳорат ва бошқарувчилик салоҳиятини талаб этади.



■ Фарҳод ЭСОНОВ «Mahalla»

Жойларда ташкил этилаётган ушбу мавзудаги семинарлар маҳалла фаолларининг касбий бошқарув кўникмаларини ҳамда ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий билимларини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

«Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув-курслари ҳамкорлигида «Соғлом оилани шакллантириш асослари, оналик ва болаликни муҳофаза қилишнинг устувор йўналишлари» мавзусида семинар ташкил этилди. Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳуқуқшунослар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

— Соғлом оила нафақат маънавий қадриятларимиз асоси, балки келажак авлодлар тақдир олдидagi масъулият ҳамдир, — дейди Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати аъзоси Фарида Абдурахимова. — Зеро, давлатимиз раҳбари Конституциямиз қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида соғлом боланинг дунёга келиши, бақувват бўлиб ўсиб-ўлағиши кўпгина талаб ва амилларга боғлиқ эканига алоҳида тўхталиб, соғлом бола, аввало, соғлом ва ақил оиланинг меваси эканини таъкидлади. Шунингдек, ёшларни мустоқил ҳоётига тайёрлаш, уларнинг жамиятда муносиб ўрин топишига кўмаклашиш, ёш оилаларнинг мустаҳкамлигини таъминлашда барчанинг масъул экани, айниқса, маҳалла фаолларининг бу борадаги ўрни ва роли муҳим аҳамият касб этиши алоҳида эътироф этилди.

Тадбирда бугунги кунда жойларда айрим ота-оналар ҳою ҳавасларини миллий қадриятларимиздан ўстун қўйиб, фарзандларини эрта турмуш қуришга ундаётгани жамиятнинг асосий бўғини — оила учун жиҳдий муаммоларни келтириб чиқариш турган гап.

Нихоҳланувчиларни тиббий кўриқдан ўтказишдаги сусткашликлар, ёш қизларни эрта турмушга узатиш, оилавий ажримлар, эрта туғуруқлар ва тўй-ҳашамолардаги дабдабазозликлар мазкур йўналишлардаги тарбияот-

САЙЛОВЛАР — ДЕМОКРАТИЯ КЎЗГУСИ

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг сайлов жараёнларидаги иштироки

< [1]

Ўзбекистон Республикасининг «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайлов тўғрисида»ги қонунининг қатор моддаларида ҳам фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг сайлов жараёнларидаги иштирокига оид муносабатлар тартибга солинган. Хусусан, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, сайлов кунини овоз бериш хоналарида ҳамда овозларни санаб чиқишда депутатликка номзодлар кўрсатган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан биттадан қузатувчи қатнашиш ҳуқуқи эга.

Шунингдек, халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи туман, шаҳар ва округ сайлов комиссияларининг ҳамда ўқатска сайлов комиссияларининг аъзолари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тавсиясига биноан тасдиқлашти, депутатликка номзодлар кўрсатган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, депутатликка номзодлар, қузатувчилар ва сайловчилар сайлов комиссияларининг қарорлари устидан юқори сайлов комиссиясига ёки судга қарор қабул қилинганидан кейин ўн кун ичида шикоят билан мурожаат этишлари мумкин.

Халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам эга эканлиги, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг раҳбари, депутатликка номзодларни рўйхатга олишни илтимос қилиб, тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат этиши, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга сайловчилар билан ўрашувлар ўтказиш учун жиҳозланган хоналарни бепул ажратиши, зарур маълумот ва ахборот материалларини олишда ёрдам кўрсатиши шартлиги каби нормалар ўз аксини топади.

Қолаверса, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи сайловга қадар исталган вақтда у ёки бу шахсни депутатликка номзод этиб кўрсатиш тўғрисидаги ўз қарорини бекор қилиш ҳуқуқига эгалиги, бундай шахс тегишли вилоят, туман ёки шаҳар сайлов комиссиясига янги номзодни рўйхатга олиш тўғрисида таъкид қилиниши мумкин.

Шу ўринда халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан номзодлар кўрсатиш масаласига тўхталмиш мақсадга мувофиқ. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг депутатлигига номзодлар кўрсатиш сойловга олтимиш беш кун қолганида бошланиши ва сайловга қирқ беш кун қолганида тугатилгани.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашлари депутатлигига номзодлар сиёсий



партияларнинг вилоят органлари томонидан кўрсатилса, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодлар эса сиёсий партияларнинг тегишли туман, шаҳар органлари томонидан ҳамда фуқаролар йиғинларида (вакиллари йиғилишларида) кўрсатилади.

Сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тегишли ҳудудда жойлашган ҳар бир сайлов округидан биттадан депутатликка номзод кўрсатишга ваколатли ҳисобланади. Агар тегишли халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи сайлов округи ҳудудда фуқароларнинг икки ва ундан ортиқ ўзини ўзи бошқариш органи жойлашган бўлса, депутатликка номзод фуқаролар вакилларининг йиғилишларида кўрсатилади.

Депутатликка, қоида тариқасида, тегишли вилоят, туман ёки шаҳар ҳудудида ишловчи ёки яшовчи фуқаролар номзод этиб кўрсатилади. Бир шахс тегишли халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи фақат битта сайлов округидан депутатликка номзод этиб кўрсатилиши мумкин. Депутатликка номзодлар танлаш тартибини сиёсий партияларнинг ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ўзлари белгилайди.

Таъкидлаш жоизки, хотин-қизлар сони сиёсий партиялардан кўрсатилган депутатликка номзодлар умумий сонининг камида ўттиз фоизини ташкил этиши лозим.

Сиёсий партиялар фақат ўз аъзоларини ёки партиясизларни депутатликка номзод этиб кўрсатади, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари эса шахсларни у ёки бу партияга мансублигидан қатъи назор, депутатликка номзод этиб кўрсатишга ҳақли ҳисобланиб, депутатликка номзод этиб фуқаролар орасидан мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳоётида, тегишли вилоят, туман, шаҳар иқтисодийетини ривожлантиришда фаол иштирок этаётган, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг, фермерлик ҳаракатининг самарадорлигини оширишга кўмаклашадиган шахслар кўрсатилади. Ўз навабатида, депутатликка номзодлар кўрсатишланлиги тўғрисида боённома тузилади.

Бу эса, мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг давлат ва жамият ҳоётида туган ўрни ва роли тобора ошиб бораётганидан, қолаверса, маҳалла фуқаролар йиғини жамият ва давлатнинг асосий таянч нуқталаридан бирига ойланиб бораётганининг амалдаги исботидир.

Мухтасар айтганда, юртимизда фуқаролар сайлов ҳуқуқлари кафолатларининг таъминлангани мамлакатимиз таракқиетини янада жадаллаштириш, фуқароларнинг жамият бошқарувдаги фаоллигини кучайтиришга хизмат қилади. Бу эса фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан сайлов жараёнида муносиб иштирок этиши лозимлигини аналтади.

ФАОЛЛАР ЎҚУВИ

Билим, тажриба ва изланиш маскани

Яқинда Андижон вилояти Қорасув шаҳри Алишер Навоий номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси Садбархон Сарбоевани учратиб қолдик.

■ Абдулмулал АБДУЛЛАЕВ «Mahalla»

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари малакасини ошириш бўйича ташкил этилган ўқув-курсларида тахсил олиб, бир олам таассуротлар билан юрган экан.

— Илгари ҳам турли йўналишлар бўйича малака оширганман, — дейди С.Сарбоева. — Аммо бу ердаги тартиб, ўқув режаси, маърузалар мавзусининг долзарблиги, ўқитувчиларнинг билимдонлиги нафақат менда, балки кўпчилида катта қизиқиш уйғотди. Мухими, маҳалла тизимидаги сўнгги янгиликлардан хабардор бўлдик. Тизимга доир қонунлар, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви қарорлари, ахборот-коммуникация технологиялари ҳақидаги тасаввурларимиз янада бойиди.

Шундай фикрни Қўрғонтепа туманидаги «Маъмуробод» маҳалласи масъул котиби Дилбархон Эгамбердиевдан ҳам эшитдик.

Чиндан ҳам ўқув-курси жамоаси машғулотлар самарадорлигини ошириш, ўқув жадвалини пухта тузиш, унга таъкид олишлар, воизлар ва амалиётчиларни таъкид этиш борасида қатор ютуқларга эришди. Ҳозирга қадар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларидан 300 нафари малака оширди.

Андижон вилояти педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти қошида очилган ўқув-курслари учун 5 та хона ажратилган бўлиб, улар зорур ўқув қуроллари, услубий қўланмалар, компьютерлар, кўргазмалар воситалари билан таъминланган. Машғулотларга олий ўқув юртлири профессор-ўқитувчилари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими мутахассислари, ички ишлар бошқармаси ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлими, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустоқил институти ҳудудий бўлинмаси ходимлари жалб этилган.

Маҳалла фаолларидан иборат гуруҳ дарс жадвалини шакллантиришда маънавият масалаларига алоҳида урғу берилмоқда. «Маҳалла посбони» жамоатчилиги тузилмаси раҳбарларига ҳуқуқтартибот органлари ходимлари томонидан олиб борилаётган машғулотлар маъқул бўляпти.

Ўқув-курслари раҳбарияти ташаббуси билан Андижон

шаҳри Ал-Бухорий номидаги маҳалла амалий машғулотлар учун база сифатида тонлаб олинди. Чунки бу ерда Вазирлар Маҳкамасининг 274-сонли қарори асосида тасдиқланган Номановий низомида ижросини таъминлашда ўзига хос тажриба тўпланган.

Ўқув-курсларига Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар депутатлари таъкид этилиб, улар билан савол-жавоб ўрашувлари ўтказилган. Ана шундай ўрашувларда Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси Ҳамробой Раззоқов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Ҳафизахон Каримов, вилоят адлия, ички ишлар бошқармалари мутахассислари иштирок этдилар.

Тингловчиларга «Соғлом бола йили» Давлат дастурида Фонд қўйи тузилмалари олдида турган вазифалар, дастурда белгиланган гоа ва устувор йўналишлар ижросига бағишланган маърузалар манзур бўляпти. Шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида иш юртишини ташкил этиш ва олиб бориш тартиби, ушбу йўналишда Фонднинг қўйи тузилмалари томонидан фуқаролар йиғинларига услубий ҳамда амалий кўмаклашиш масалалари бўйича машғулотлар қатнашчиларда катта қизиқиш уйғотяпти.

Ўқув-курсларида «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги» қонуннинг мазмун-моҳияти, миссонерлик ва турли оқимларга қарши кураш, глобаллашув жараёнида ахборот хуружларининг ёшлар маънавиятига таъсири, «оммавий маданият»нинг салбий иллатлари, аҳоли орасида одам савдоси, гиёвандлик ҳамда фуқароларнинг ноқонуний миграцияси каби масалалар кенг ёритилляпти.

— Бир ҳафта мобайнида сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий, маънавий билимларга эга бўлаётганимиздан мамнунмиз, — дейди Асака тумани Абу Али ибн Сино номидаги маҳалла раиси Охунжон Мамазокиров. — Машғулотлар камида 10 кунлик муддатга узайтирилса айна мудароо бўлар эди.

Тингловчилар билан суҳбат давомида бундай фикр-мулоҳазаларни эшитиб, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари малакасини ошириш бўйича ўқув-курслари қисқа муддатда ўз олдига қўйган вазифаларни муваффақиятли рўёбга чиқорётганига ишонч ҳосил қилдик.



ча семинарлар, «Маънавият экзони» мавзусида ўрашув ва суҳбатлар ташкил этиш зарурлиги ҳамда ёшлар тарбияси, уларнинг замонавий билим ва касб-хўнарларни эгаллаши, эрта никоҳ ҳамда оилавий низоларнинг олдини олишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари олдида турган устувор вазифалар айтиб ўтилди.

Матбуот анжумани ниҳоясида оммавий ахборот воситалари ходимлари саволларига мутахассислар томонидан атрафлича жавоб қайтарилди.

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ ДАСТУРИ — АМАЛДА

Билимда пешқадамлик, ҳунарда моҳирлик — баркамоллик мезони

< [1]

Шунингдек, эрта турмушининг олдини олишга қаратилган тарбияот ишларини кучайтириш мақсадида ҳамкор ташкилотлар ва жамоатчилик вакилларидан иборат ишчи гуруҳи тузилиб, улар томонидан ёшлар ўртасида ушбу йўналишда 56 мингдан ортиқ давра суҳбатлари ташкил этилди. Ота-оналар томонидан никоҳ ёшига етмаган фарзандини эрта турмушга узатишга уринаётган 270 та ҳолат аниқланиб, уларнинг олди олинди.

Бугун ёшларни касб-хўнарга жалб қилиш орқали ҳам маънан, ҳам жисмонан баркамол инсонлар этиб тарбиялаш — долзарб вазифа. Бу ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, оилавий низо ва ёшлар ўртасидаги эрта никоҳ каби салбий ҳолатларни бартараф этишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Шу мақсадда «Қамолот» ЁИХ, Халқ таълим вазирлиги ва тегишли ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда Тўртқўл, Мўйноқ, Тахтақўпир туманлари ва Нукус шаҳридаги «Ёшлар ижтимоий хизматлари» марказлари қошида «Музыка ва рақс», «Компьютер саводхонлиги», «Инглиз тили», «Иқувчилик», «Пазандачилик»

тўғараклари ташкил этилиб, уларда жами 556 нафар ўғил-қиз ўз қизиқишлари бўйича бепул ўқитилиш ва касбга йўналтирилди. Ушбу тўғаракларга, асосан, кам таъминланган оила фарзандлари, ногирон болалар, тарбияси оғир ёшлар жалб этилмоқда.

Шунингдек, Давлат дастури доирасида Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда болалар мусика ва санъат мактабларида жами 912 та ижодий жамоа, шундан 284 та ашула ва рақс ҳамда 149 та эстрада ансамбли ташкил этилиб, уларга жами 5061 нафар иқтидорли ўқувчи қамраб олинди.

Бундан ташқари, Адлия, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Хотин-қизлар кўмитаси томонидан «Никоҳ-қизлар эрта никоҳ каби салбий ҳолатларни бартараф этишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Таъкидлаш жоизки, бугун оила ва жамият манфаатларини ҳимоя қилишда фуқаролар йиғинларининг ижобий таъсири тобора ортиб бормоқда. Айниқса, йиғинлар қошидаги асосий йўналишлар бўйича комиссиялар, хусусан, Яраштириш, Хотин-қиз

лар билан ишлаш, Маърифат ва маънавият, Вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссиялар томонидан фуқароларнинг оилада ва маҳаллаларда тинч-осойишта, ҳамжihatлиқда яшашини таъминлашга кўмаклашиш, оилавий низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини миллий ва маънавий қадриятларимизга таянган ҳолда кенг тартиб этишдек долзарб вазифалар амалга оширилмоқда.

Мазкур комиссиялар таркибига таълим муассасалари раҳбарлари ёки уларнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари, спорт-соғломлаштириш муассасалари вакили, қишлоқ врачлик пункти (оилавий поликлиника) мудири, «Қамолот» ёшлар ижтимоий-харакатининг бошланғич ташкилоти етакчиси, профилактика инспекторлари, фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари киритилгани яхши самара берапти.

Ийигит ва қизларни оила қуришга руҳий ва маънавий жиҳатдан тайёрлаш, оилавий низоларнинг олдини олишда Яраштириш комиссияси-

нинг алоҳида ўрни бор. Мисол учун, ҳар йили бевосита ушбу комиссия аъзолари кўмагида 20-25 мингга яқин оилавий ажримларнинг олди олинапти. Биргина, 2014 йилнинг биринчи чораги мобайнида Яраштириш комиссиялари томонидан оилавий келишмовчиликлар юзасидан 19 мингдан ортиқ масала қўриб чиқилган бўлса, шундан 12 мингтасида оилалардаги нотинчликларга барҳам берилди.

«Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлиги ёшларни миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш билан бирга, уларнинг таълим муассасаларидаги давомати-ни яхшилашда, фанларни тўлиқ ўзлаштиришда ҳам муҳим таянчдир.

Фуқаролар йиғинлари ҳузуридаги «Ота-оналар университетлари» томонидан ота-оналарнинг ёш авлодни тарбиялаш бўйича ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий, физиологик билимларини ошириш бўйича 22 мингга яқин тадбир ўтказилгани бу борадаги ишлар салмоғининг кўламини кўрсатади.

Анжуман доирасида «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, маҳаллаларда «Оталар мактаби», «Оналар мактаби» бўйи-

Имтиёз эзгу ишга рағбат беради

Мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ва юқори суръатларда ривожлантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Жумладан, аҳоли бандлигини таъминлаш ва халқимиз турмуш фаровонлигини оширишда улар салмоқли ҳисса қўшаётир.



■ **Холбиби САФАРОВА**
«Mahalla»

Бу, албатта, юртимизда тадбиркорлик фаолияти ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, ишбилармонларга қатор имконият ва имтиёзлар яратиб берилаётгани самарасидир.

Имконият саломатишга ундайди ва муваффақиятлор сари йўл очади. Бу айни пайтда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони қишлоқ ишбилармонлари, айниқса, кўп тармоқли фермер ҳўжаликлари ҳисобига тобора ошаётганида ҳам кўринад.

Қизилтепалик Муҳиддин Қобиллов раҳбарлик қилаётган «Адиз бобо» фермер ҳўжалиги кўп тармоқли ҳисобланади. 28 гектар ғаллазор, 14 гектар пахта мойдонига эга фермер чорвачилик тармоғини ҳам йўлга қўйди. Ҳозирги кунда фермада 330 бош қорамол парвариш қилинмоқда ва маҳалла фермернинг 38 нафар аҳолиси меҳнатга жалб этилган.

Давлатимиз томонидан фермерлик ҳаракатининг қўллаб-қувватланиши, қишлоқ мулкдорлари учун яратилган имконият ва имтиёзлар фермернинг эзгу максодлари рўёбига йўл очди. У 2010 йилда сутни қайта ишлаб чиқарувчи «Сўдўёна аграр индустрия» кичик корхонасини барпо этди. Хорижий технологиялар асосида ишловчи корхонада айни пайтда 6 киши меҳнат қилимоқда.

— Корхонамизда бир кеча-кундузда 700 литр сут қайта ишланади ва қатик, қаймоқ, сметана, кефир каби жами 7 хилдаги маҳсулот тайёрланмоқда, — дейди экспедитор Жонибек Жа-

ҚУЛАЙЛИК

Янги мажмуа иш бошлады

Муборак туманидаги Қарлиқ қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудда «Базалт Агрохим» масъулияти чекланган жамияти томонидан машиий хизмат кўрсатиш мажмуаси ишга туширилади.

■ **С. БОЙМУРОВА**
«Mahalla»

Мажмуа таркибида тикувчилик цехи, совдо дўкони, пойабзал таъмирлаш устaxonаси, сарторшлик ва гўзаллик салонлари хизмати йўлга қўйилди. Ушбу объектларда аҳолига сифатли хизмат кўрсатишмоқда.

— Кейинги пайтда йиғинимизда тадбиркорларнинг ташаббуси билан қатор хиз-

моллов. — Ишчиларимизнинг борчаси қишлоқ ёшлари, касб-хунар коллежлари битирувчилари.

Энг муҳими, кичик корхонада тайёрланган маҳсулотлар чиройли қадоқларда туман ва вилоят бозорларига етказиб берилмоқда. Бу маҳсулотлар юқори сифати билан харидордир.

Фермер ҳўжалигининг чорвачилик фермасида зотдор қорамоллар билан бирга 10 бошдан зиёд йилқи, туя ва туяқушлар, ўрдақ, ғоз ҳамда товуслар боқилмоқда. — Жорий йилда 33 бош Австралия зотдор қорамоллини харид қилдик, — дейди М. Қобиллов. — Ҳозирда уларни парваришлаш сирларини ўрганяпмиз. Чунки бу қорамоллар иссиқ иқлимга мослашмаган. Шу боис уларга салқин шароит яратиш мақсодида махсус сув пурқагичдан фойдаланяпмиз. Қаловини топсанг, қор ҳам ёноди, деган накл бежизга айтилмаган. Ишининг кўзини билган фермер Австралия қорамолларини жазирамадан ҳимоялашининг йўлини топганидан хурсанд. Қоҳромонимизнинг айтишича, йилқичилик — кам харажат ва сердаромад соҳа. Ундан ҳам яхшигина даромад олинмоқда.

Мазкур фермер ҳўжалиги «Оқмачит» маҳалласида фаолият юритаётгани боис ҳудудда саноатни ривожлантириш билан бирга, аҳолига сифатли сут ва сут маҳсулотларини етказиб бериш, ёшларни иш билан таъминлашга ҳам катта ҳисса қўшмоқда. Қолаверса, тадбиркор йиғинининг фоол аъзоларидан. У муҳим саналар, байрам тадбирларида бош-қош бўлиб, ҳомийлик ишларини ҳам амалга ошириб келмоқда.

Инсон эрки ва ҳуқуқи дахлсиздир



< [1]

Бугунги кунда дастур доирасида тадбирлар режаси шакллантириб, мутасадди ташкилотлар вокиларидан иборат ишчи гуруҳлари кенг жамоатчилик орасида тушунтириш ишларини олиб бораётир.

Пойтахтимизнинг Сергели туманида фуқароларни ноқонуний меҳнат миграциясининг салбий оқибатлари ҳамда одам савдоси жабридан ҳимоялаш мақсодида тизимли равишда тарбиёт олиб боришмоқда. Бунда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Сергели тумани бўлими маси фаоллик кўрсатаётир.

Маҳаллаларда профилактика инспекторлари, прокуратура ходимлари ва бошқа мутахассислари жалб этиб, 81 марта мавзуга доир учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилди. Тадбирларда маҳаллаларда истикомат қилаётган 2982 нафар аҳолининг қамраб олингани, уларнинг 1018 нафари ёшлар экани, шубҳасиз, кўпчилиكنинг ҳаётини турли кўнгилсизликлардан асрашга хизмат қилади.

— Киши қачон оиласини ташлаб чиқиб кетади, деган саволга турлича жавоб бериш мумкин, — дейди Фонднинг Сергели тумани бўлими маси раиси ўринбосари Улугбек Сапаев. — Энг аввало, у оиласидаги иқтисодий ҳолатни ўнглаш, кўпроқ пул топиш мақсодида ёки ўқиш илинжида тўғилган гўшасини тарк этиши мумкин. Аммо қонуний йўл билан ишлаш ва ўқиш ўрнига, негодир кўпчилик ноқонуний ҳаракатларни афзал кўради. Биз ишни айнан тумандаги оиаларнинг муаммоларини, иқтисодий аҳолини ўрганишдан бошладик. Йил бошиданок бўлинмамиз мутасаддилари, 33 та фуқаролар йиғини фаоллари — раислар, масъул қотиблар, маслаҳатчилор, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси раҳбарлари ва профилактика инспекторлари билан биргаликда бу ишга жиддий киришдик. Шу билан бирга, айни пайтда, хорижда юрганлар ёки чиқиб қайтган фуқаролар ҳақида маълумотлар

БАНДЛИК

Хотин-қизлар тадбиркорлиги — банк эътиборида

< [1]

Мамлакатимизда И.Тоғаева каби барқарор бизнес юритаётган ишбилармон аёллар кўпчилиكنи ташкил этади. Энг чекка ҳудудларда ҳам тадбиркор аёлларимиз сафи тобора кенгайиб бораётир. Қувонарлиси, уларнинг максодлари аниқ, режалари улғувор. Бундай манзара эса, шубҳасиз, юртимизда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятдаги ўрни ва ролини янада кучайтириш, аёллар тадбиркорлигини оширишга қаратилган сайҳ-ҳаракатлар туфайлидир.

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республика Марказий банки, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, тижорат банклари ҳамда «Тадбиркор аёл» Ўзбекистон ишбилармон аёллар уюшмаси ҳамкорлигида «Хотин-қизлар тадбиркорлиги — банк эътиборида» мавзусида ташкил этилган матбуот анжуманида айнан ушбу фикрлар яна бир бор эътироф этилди.

Таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони жамиятда аёллар фаолигини ошириш йўлидаги энг муҳим ҳуқуқий асос бўлди. Жумладан, мазкур ҳужжат доирасида аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш, хотин-қизларнинг банк хизматларида янада кенг-роқ фойдаланишлари, айниқса, тадбиркорлик билан шуғулланиш истиғоди аёлларнинг банклардан микрокредитлар олишларида ҳор томонлама қулайлик ва шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилади.

базоси шакллантирилиб, ҳар бир маҳаллада ушбу базанинг мунтазам янгилаиб борилишига эришилди. Таъкидлаш жоизки, олиб бораётган ишларимиз ҳамда эришаётган муваффақиятимизда туман ҳокимлигининг ҳам амалий ёрдами катта бўлмоқда.

Сергелилик фаолларнинг ташаббуслари шу билан чекланмаган. Улар маҳалла фуқаролар йиғинлари жамоатчилик кенгашлари фаолиятини мунтазам ўрганиб бормоқдалар. Чет эларда ишлатиш ёки бошқа мақсадларда фуқароларни ёллашга мойил шахсларнинг ўз вақтида аниқланишида профилактика инспекторлари билан биргаликда олиб борилаётган тизимли тадбирларнинг аҳамияти катта бўлаётир.

Хорижга чиққан киши, табиийки, турли ғоялар ёҳуд ғаразғўй ақидапарастлардан етарлича ҳимоялана олмайди. Аммо киши юксак маънавий қарашларга, еторлича диний кўнмиқга эга бўлсагина, давъатчиларнинг найрангига чап беради. Сергели маҳаллаларида ўтказилаётган тарбиёт тадбирларида ушбу масала ҳам эътибордан четда қолмаган. Маҳаллаларда диний мутахассислар, имомхатиб ва отинойилар иштирокида ташкиллаштириладиган давра суҳбатларида аҳолининг диний нуқтаи назарига оид тушунмовчиликларга барҳам бериляпти. Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишмоқда.

Аёл бахти — оилада. Хорижда дарбадар кезиш ўзбек аёли учун ноҳоиз одат. Маҳалла фуқаролор йиғини раисси, маҳалла посбонлари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар ҳамда йилларнинг Хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссиялари уйидан узоқ муддатга чиқиб кетган аёллар ҳақида ҳам қайғуришоептир. Шақллантирилган рўйхат асосида уларнинг оиалари билан мунтазам алоқа ўрнатилиши натижасида бу киз-жувонларнинг айни пайтда қарерда яшоеётгани, нима ишлар билан шуғулланоеётгани ойдинлаштирилди. Тарғиботлор

самарасиз кетмайди. Оила аъзоларидан бугун юртимизда яратилган шароитлар, давлатимизнинг ғамхўрлиги, маҳалла фаолларининг қуюнчақлигини эшитган бу аёлларнинг аксарияти оиласи бағрига қайтгани қувонарлидир.

Одам савдосига қарши қурашиш ва унинг олдини олиш бўйича Сергели туманида амалга оширилаётган ишлар натижасида ҳудуддаги нотинч ҳамда ноқобил оиалар, ичкиликка ружу қўйганлар, ғиёҳванд кишилар рўйхати ҳам тузилиб, маҳаллаларга ушбу оиаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга оид тегишли кўрсатма ва амалий ёрдамлар берилди. Бундай фуқаролор ҳамда оиалар йиғинлар томонидан алоҳида назоратга олиниб, профилактик тадбирлор бошлаб юборилди.

Тарбиёт тадбирлари билан бир қаторда аҳоли бандлигини таъминлаш ҳам фуқароларнинг одамфурушлар чанғалига тушмосилигини қафолатайди. Ишсиз аҳолини доимий меҳнатга жалб этишда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлими масининг ҳамкор ташкилот — туман бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази билан бирга бажараётган муайин ишлари ҳам фойда бермоқда. Хусусан, барча маҳалла фуқаролар йиғинларида бўш иш ўринлари ҳақида маълумотлар бор ва аҳоли ушбу маълумот билан танишиш имкониятига эга. Маълумотлар ҳар ойда янгилашиб борилади. Туман прокуратураси ташаббуси билан ташкиллаштирилаётган бўш иш ўринлари ярмаркаларига аҳоли, айниқса, ёшларнинг жалб этилишида ҳам маҳалла фуқаролар йиғинларининг ҳиссаси катта бўлаётир.

Маҳалла — фуқаролик жамиятининг узвий таркибий қисми. Бунн Сергели тумани маҳаллалари доирасида биргина вазифа — фуқароларни одам савдосидан ҳимоялаш бўйича олиб борилаётган ишлар мисолида олиб қарасак, маҳалла улкан ижтимоий вазифани бекам қўст бажараётганига гувоҳ бўламиз.

чора-тадбирларни амалга ошириб келаётир, — дейди «Тадбиркор аёл» Ўзбекистон ишбилармон аёллар уюшмаси раиси Гўлнора Маҳмудова. — Жумладан, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида тадбиркор аёллар иштирокида бир қанча амалий учрашувлар, бизнес форумлар ўтказилмоқда. Шунингдек, коллежларни битирган қизлар учун бўш иш ўринлари ярмаркалари ташкил этилиб, юзлаб ёшлар иш билан таъминланаётир. Республикамиздаги қулай инвестиция муҳити, ишбилармон аёллар учун яратилаётган имтиёзлар ва кенгайтирилаётган имкониятлар хорижий компаниялар қизиқишини ошириб, чет эл тадбиркорларини ҳам юртимизга чорлаётир. Банк тизимида аёлларнинг чет эллик ҳамкорлар билан самарали битимлар тузиб, фоол иқтисодий фаолият юртиши учун зарур ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, «Халқ банки» ва «Микрокредит-банк» томонидан Германиянинг Ханглар қаморлик бўйича Омонат қасалари жағмармаси билан ҳамкорлиги йўлга қўйилган. Ушбу жағмарга маб-ланлари эвозига мазкур банкларда Кичик тадбиркорликни микрокредитлаш жағмармаси шакллантирилган.

Ушбу маблағларни ажратишда қишлоқ жойларида аёллар томонидан бошқарилаётган, уларнинг меҳнатидан фойдаланилаётган кичик қорхоналарни ривожлантириш, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлашни рабатлантириш, қасаначилик ва янги иш ўринларини яратишга қаратилган лойиҳалор қўллаб-қувватланмоқда. Юртимиздаги бундай ислохотлар аёлларнинг эртанги кунга

Тунлари осуда, тонглари ёруғ

«Боголони» маҳалла фуқаролар йиғинида етти йилдан буён посбонлар сардориман. Утган вақт мобайнида давлатимизнинг маҳалла институтига қаратилган эътибори, маҳалла фаолларининг кенгайиб бораётган ваколатлари туфайли ҳудудимиздаги ижтимоий, маънавий муҳит барқарорлиги таъминланди, кишиларнинг ҳуқуқий, сиёсий фаоллиги ошди.

■ **Умид МАМАРАСУЛОВ,**
Самарқанд вилояти Пахтачи тумани «Боголони» маҳалла фуқаролар йиғинининг «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси сарлори.

Ўтган йили Вазирлар Маҳкамасининг «Фуқаролар йиғинининг «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисидаги қарорига мувофиқ тасдиқланган Низом асосида фаолиятимизни қайта ташкил этдик. Мазкур Низомда тузилма фаолиятини, ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтиродиган қатор меъёрлар ҳам акс этгани ҳудудимизда ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилиكنинг олдини олиш ишлари самарадорлигини оширди.

«Боголони»да 2200 нафардан зиёд аҳоли истикомат қилади. Шундан келиб чиқиб, тузилмани 9 нафар посбон йигит аъзолигида ташкил қилганмиз. Низом талабларига кўра, жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар ҳавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилиكنинг олдини олишга доир профилактика тадбирларида фоол иштирок этадиган жисмоний ва маънавий соғлом шахсларни танлаганмиз. Посбонлар Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида хизмат қилган, ёш, сергақ йигитлар. Бу посбонлар кўча бошликлари билан бирга маҳалланинг 5 та кўчасига бириктирилми, паспорт режими ҳамда тарбиёт тадбирларини олиб бормоқдалар. Профилактика инспектори Бахтиёр Ширинқуллов ҳар бир тадбирда бизга ҳамкор.

Инспектор йиғин раиси билан биргаликда тузилма-мизга юклатилган вазифа-



ишончи ортишига, аниқ мақсад сари интилишига имкон бермоқда.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси тақдим этган маълумотга кўра, айнан ушбу фармон туфайли жойларда 130 миндан зиёд аёлнинг бандлиги таъминланди. Шу билан бирга, қўми-та барча тижорат банклари билан ҳамкорликда аёллар тадбиркорлигини ри-вожлантиришга доир махсус режалор ишлаб чиққан. Ушбу ҳамкорликлар са-мараси ўлароқ, чекка ҳудудларда ис-тикомат қилаётган аёлларнинг иқти-содий саводхонлигини ошириш, кре-дит олиш борасида кўнмиқлар бе-риляпти, гаров таъминоти билан бо-лиқ муаммоларни бартараф этиш йўл-йўриқлари тушунтириляпти. Қўми-та тизимида ваколат доирасидаги амалий ёрдамлар кўрсатиляётир.

Шуни эътироф этиш ўринлики,

ларни бажариш тартиби тўғрисида аниқ кўрсатмалар беради. Амалга ошираётган ишларимиз, вазифаларни адо этиш жараёнидаги хати-ҳаракатларни мунтазам назорат қилади.

Фуқаролар йиғини ҳудуддаги экология ва табиатни муҳофаз қилиш, ободонлаштириш ва қўлаамзорлаштириш масалалари бўйича қабул қилинган қонун ҳужжатлари талаблари, умум-давлат ҳамда ҳудудий дастурларда белгиланган чора-тадбирлар ижросини таъминлаш ва ушбу жараёнда кенг жамоатчилик қўмағини шакл-лантириш ҳам зиммамиздаги долзарб вазифалардан.

Яқинда маҳаллада Жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кунига бағишлаб тадбир ўтказдик. Сир эмас, бундай тадбирнинг экологик муаммолар тобора глобаллашиб бораётган бугунги кундаги аҳамияти катта. Мутахассислар иштирокчиларга Ўзбекистонимизнинг бе-такторр табиати сайёрамиз-нинг бирор ҳудудда топи-лмаслиги, бирок бу гўзаллик-ка мафтўн бўлишининг ўзи киф-оя эмаслиги, бундай бой-лиқни асраб-авайлаш ло-зимлиги ҳақида тушунтирди-лар. Мамлакатимизда маз-кур ташаббусни ҳам давлат, ҳам жамият ва ҳар бир фуқаронинг жонажон ишига ай-лантириш учун муайян соъй-ҳаракатлар олиб бориляёт-гани, ушбу йўналишдаги қонунчилиكنинг такомиллаш-тириляётгани ҳақида тушун-чалар бердилар. Бундай тадбирлар ўсиб келаётган баркамол авлоднинг эколо-гик тарбиясини кучайтириш-га хизмат қилади, аҳолининг масъулиятини оширади.

«Боголони»да етти йилдан буён бирорта ҳам ҳуқуқбузарлик содир этилмади. Бундай натижанинг эътиро-фини эл-юрт тинчлиги йўли-да тунлари тонгларга ула-ган, жонажон маҳалласининг дардию қувончи билан яшай-диган кишигина ҳис этади.